

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

“ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ЖИҲОЗЛАР” КАФЕДРАСИ

**5321500 – Технологиялар ва жиҳозлар (машинасозлик) йўналиши
бўйича**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: “Кулачокли муфта Д=70 Н7, д=40Н10” детални тайёрлаш технологик
жараёнини ишлаб чиқиш ва детални тайёрлашда қўлланиладиган мосламани лойихалаш.**

Бажарди:

**8 – 12 ТЖ(МС) гуруҳи талабаси
Жўраева Орзугул**

Раҳбар:

асс. М.У.Рустамова

**Битирув малакавий иши кафедра мудири томонидан кўриб
чиқилди ва ҳимояга рухсат этилди.**

“Т ва Ж”

кафедраси мудири:

доц. С.С.Мусаев

“МТ” факультети декани:

доц. Ш.М.Муродов

БУХОРО – 2016 й.

Келажакда Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, маънавий жиҳатдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни қойил қилиши лозим.

Ислом КАРИМОВ

КИРИШ

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида иқтисодиётда туб ўзгаришлар амалга оширилиши, республика иқтисодиёти асосан хом ашё йўналишидан рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш йўлига изчил ўтаётганлиги, мамлакат экспорт салоҳияти кенгаётганлиги ишлаб чиқаришнинг ҳар бир соҳаси олдида янги вазифаларни қўйди. Жумладан, машинасозлик саноатини ривожлантириш, халқимизни юқори сифатли, машиналар ва буюмлар билан таъминлаш, машинасозлик саноати ходимлари олдида турган муҳим вазифалардандир. Албатта, бу вазифаларни бажариш учун маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, уларнинг сифатини яхшилаш, янги юксак самарали техникага эга бўлган автоматлаштирилган кичик ва катта робот технологик комплексларни, компьютер билан бошқарилувчи корхоналарни яратиш керак бўлади. Ҳозирги пайтда Ватанимиз машинасозлик корхоналари фан – техниканинг охирги ютуқлари асосида ишлаб чиқарилган жиҳозлар билан тўлдирилмоқда. Машина ва ускуналарни хилма-хил мосламалар, механик қўл, саноат роботлари билан жиҳозлаш орқали технологик жараёнларни комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштириш ишлари давом этмоқда.

Машинасозлик ишлаб чиқаришнинг тайёрлов ва йиғув цехларига ишларини механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган дастгоҳ, механизмлар, кўтариш, тушириш ва ташиш қурилмалари комплекси татбиқ этилмоқда. Кўп машинасозлик корхоналарда: Тошкент ТТЗ, Навойи машинасозлик заводи (НМЗ), «Женерал моторс - Ўзбекистон» Асака

автомобил заводи, Самарқанд машинасозлик ва совуткичлар чиқариш корхоналарида янги замонавий юқори унимдор дастгоҳ ва механизмларни жорий қилиш асосида, унумдор ва илғор технологик жараёнлар яратилиши давом этмоқда.

Ҳозирги замон техника тараққиёти даражаси, янги такомиллаштирилган юқори унумдорли автоматлаштирилган ва юқори аниқликка эга бўлган машиналарни узлуксиз яратишда фаннинг энг янги ютуқларидан фойдаланишга асосланади. Назарий билимларни чуқур эгаллаган ҳамда янги техника ва ишлаб чиқариш технологиясини чуқур эгаллаган мутахассисларни тайёрлашни талаб этади.

Механик ишлов бериш жараёнларини тадқиқ қилиш борасида ўзбек олимларидан Ф.Я.Якубов, М.Т. Балабеков, Қ.Ғ.Маҳмудов ва бошқалар кесиб ишлашнинг илмий асосларини яратишда муносиб ҳисса қўшган.

Республика ҳукумати ва Президенти олиб бораётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатда мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларини ривожлантиришга, айниқса келажак авлодни миллий истиқлол мафкураси руҳида тарбиялашга жуда катта эътибор берилмоқда. Ҳозирги кунда таълим олаётган ёшлар Республикамизнинг келажакдир. Бу шарафли вазифани бажариш ўқитувчилар зиммасига тушади. Шу сабабли юксак малакали ўқитувчилар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” номли асарида:

Бугунги кунда дунёда рўй бераётган глобал иқтисодий инқирозларга қарамасдан, **“Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари сўнгги 10 йил давомида 8 фоиздан зиёд бўлиб келмоқда. ...Мустақил тараққиёт йилларида Ўзбекистонимизнинг иқтисодиёти 5 каррадан кўпроқ, аҳоли даромадлари жон бошига ўртача 8,7 баробар ўсганини, аҳоли шу даврда 1,5 марта кўпайиб, 2015 йилнинг бошида 31**

миллион 500 минг кишини ташкил этганини инобатга оладиган бўлсак, очиғини айтганда, биз эришган ютуқларни баъзан одамлар тасаввур қилиши қийин бўлмоқда” деган сўзларнинг маъносини чақадиган бўлсак, буларнинг барчаси узоқни кўзлаб олиб борилган ислохотлар натижаси экани баён бўлади.

“Яқинда Швейцарияда Жаҳон иқтисодий форуми - иқтисодиёти энг тез ривожланаётган мамлакатлар рейтингида 2014-2017 йилгача бўлган даврда йиллик ўсиш даражаси энг юқори бўлган давлатлар орасида Ўзбекистон 5-ўринда қайд этилди”.

“Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети социологлари томонидан ўтказилган ижтимоий сўров ва тадқиқотлар натижасида “Бутунжаҳон бахт индекси”нинг янги рейтингида кўра мамлакатимиз 158 та давлатлар орасида 44 поғонани, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар ичида биринчи ўринни банд этди”.

“Буюк Британиянинг нуфузли “Экономист” журналининг эътироф этишича, Ватанимиз пойтахти – азим Тошкент шаҳри ободлиги ва яшаш учун қулайлиги жиҳатидан дунё рейтингида 140 та шаҳар орасида 58-ўринни эгаллади”.

“АҚШнинг “Тхе Хуффингтон Пост” нашри томонидан Самарқанд шаҳри “Дунёнинг албатта бориб кўриш керак бўлган 50 та шаҳри” рўйхатига киритилгани ва бундай эътирофга эришишда ҳам МДХ мамлакатлари ўртасида Ўзбекистон ягона экани эътиборга сазовордир”.

“Ҳозирги кунда Ўзбекистондаги ҳар иккинчи оила юртимизда ишлаб чиқарилган шахсий автомобилга эга. Деярли ҳар бир оилада кундалик заруриятга айланган мобиль телефон, ноутбук, сунъий йўлдош орқали кўрсатиладиган ва кабелли телевидение, музлатиш камералари ва замонавий ошхона анжомлари каби янги, юқори технологияларга асосланган жиҳозлар пайдо бўлди”[1].

Мундарижа

КИРИШ	
И. ТЕХНОЛОГИК ҚИСМИ	
1.1. Деталнинг конструкцияси ва хизмат вазифаси.....	
1.2. Чизманинг техник назорати.....	
1.3. Деталнинг технологиясозлиги таҳлили.....	
1.4. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш типини аниқлаш.....	
1.5. Детал учун тайёрланма танлаш ва асослаш.....	
1.6. Механик ишлов бериш маршрутини ишлаб чиқиш.....	
1.7. Технологик операцияларни лойиҳалаш.....	
1.8. Қуйимларни ҳисоблаш.....	
1.9. Кесиш режимларини ҳисоблаш.....	
1.10. Технологик жиҳозларини танлаш.....	
1.11. Техник меъёрлаш.....	
ИИ. КОНСТРУКТОРЛИК ҚИСМИ	
2.1. Дастгоҳ мосламасини ишлаб чиқиш ва ҳисоблаш.....	
2.2. Назорат асбобини лойиҳалаш.....	
2.3. Махсус кесиш асбобини лойиҳалаш.....	
ИИИ. ТАШКИЛИЙ ҚИСМ	
3.1. Жиҳозларнинг миқдорини аниқлаш.....	
ИВ. МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ВА ЭКОЛОГИЯ ҚИСМИ	
4.1. Технологик жараёнларни хавфсизлигини таъминловчи воситалар.....	
4.2. Юк кўтариш ва ташиш ишларида хавфсизликни таъминлаш.....	
4.3. Корхоналарнинг ёнғин ва портлаш хавфи бўйича даражалари.....	
В. МЕТОДИК ҚИСМ	
5.1. Ўқув режа ва дастурни таҳлилин қилиш.....	
5.2. Мавзунинг перспектив – тематик режаси.....	
5.3. Назарий дарс коспекти.....	
ХУЛОСА	
Фойдаланилган адабиётлар	
ИЛОВАЛАР	

Бугунги кунда дунё бозорида рақобат шу даражада шафкатсиз тус олмоқдаки, унда мустаҳкам ўрин эгаллаш осон эмас. Майли, энг юксак технологияни юртимизга олиб келиб, юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқардик ҳам дейлик. Лекин уларни эртага қаерда сотамиз? Жаҳон бозорида бизни ҳеч ким, келинг, марҳамат, деб кутиб олмайди. Бу бозор тўлиқ булиб олинган, унда бўш жойнинг ўзи йўқ. Аммо биз бу бозорда ўзимизга хос ва ўзимизга мос ўрин эгаллаб, шунинг ҳисобидан маҳсулот сотиб, валюта ишлашимиз зарур. Биз бунга қандай эришишимиз мумкин? Қачонки маҳсулотимизга талаб катта ва у юқори сифати билан бошқалардан устун бўлсагина жаҳон бозорида ўз ўрнимизни топишимиз мумкин. Сифатли маҳсулот чиқариш учун эса энг замонавий технологиялар керак. Шу маънода, ана шундай технологияларга эга булган хорижлик инвесторларни корхоналаримизга шерик сифатида жалб килсак, улар акция эгаси бўлса, биз кўп нарса ютамиз.

Шулар қаторида Интернетнинг имкониятларидан кенг фойдаланишимиз зарур. Бугунги кунда дунё бозорида нима янгилик бўляпти, қайси маҳсулотга қанча талаб бор, нарх – наво қандай, эртага нима бўлиши кутилмоқда, деган саволларга жавоб беришга ҳар биримиз – катта компаниялар раҳбарларидан тортиб, менежерлар, фермерлар, ҳар бир ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи тайёр бўлиши лозим. Бу - ҳаёт талаби.

Айни вақтда шуни ҳам яхши билиб олиш керак-ки, жаҳонда юксак технологияларга эга бўлган давлатлар кўп эмас. АҚШ, Германия, Япония, Жанубий Корея, Хитой каби бу соҳада катта салоҳиятга эга бўлган давлатлар билан яқин бўлиб, улар билан ҳамкорликда қўшма корхоналарни кўпайтирсак, фақат фойда кўрамиз. Бу борада ҳар қандай мафкуравий қарашларни четга суриб қўйишимиз керак.

Рухсатингиз билан яна бир муҳим масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларимни баён этмоқчиман. Ҳозирги кунда жаҳонда иқтисодий кураш билан бирга, мафкуравий қарама – қаршилиқ ҳам кучайиб бормоқда. Мафкуравий кураш - бу, аввало, сиёсий кураш дегани. Ҳар бир мамлакатнинг

сиёсий, иқтисодий, маънавий нуқтаи назардан манфаати бўлиши табиий хол. Буларнинг орасида маънавият соҳасидаги манфаат ва кураш энг муҳим жабҳа ҳисобланади, «Юксак маънавият - енгилмас куч» номли китобимда бу масалалар ҳақида атрофлича фикр юритилган.

Маънавият аслида нима эканини ҳаммамиз чуқур англаб олсак, уни болаларимизга ҳам ўргатсак, биз киммиз, қандай буюк зотларнинг авлодимиз, қандай бебаҳо маънавий мероснинг ворисларимиз, деган саволларни олдимизга қўйиб, уларга жавоб бериб яшайдиган бўлсак, ҳеч нарсадан қўрқмасак бўлади. Чунки бундай ишонч ва эътиқод билан яшайдиган халқни ҳеч ким енга олмайди.

Халқимизнинг эзгу ҳаёт талабларига жавоб берадиган, унинг туб манфаатлари, орзу – интилишларини ҳар томонлама акс эттирадиган миллии тоя, миллати, тили ва линидан катъи назар, ҳар бир юртлошимизнинг уз тоясига айланса, уларнинг калби ва юрагидан чуқур жой олса, - мен ишонаман - ана шунда биз кузлаган юксак мақсадларимизга албатта етамиз.

Бугунги кунда биз, эртага нима булишини олдиндан айтиб бўлмайдиган, кўп жиҳатдан ноаниқ, беқарор бир замонда яшаётганимизни ҳисобга олган ҳолда, аввало халқимизнинг ўз кучига бўлган ишончи, иймон иродасини янада мустаҳкам қилиш ҳақида уйлашимиз керак.

Бир ҳақиқатни барчамиз, биринчи навбатда ёшларимиз аниқ – равшан тушуниб олишини истардим: мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият куриш мақсадида бошлаган ишларимизни мантиқий якунига албатта етказиш – бу биз учун тарихимизнинг ўзи исботлаб бераётган энг тўғри йўл ва биз шу йўлдан ҳеч қачон ортга қайтмаслигимиз шарт. Шунини унутмаслигимиз керакки, мустақиллик, бугунги эркин ҳаёт, бугунги беқиёс имконият ҳар қайси миллат, ҳар қайси авлод тарихида фақат бир марта бериладиган улуғ ва ноёб неъматдир.

Агарки биз учун ҳақиқатан ҳам ҳаёт – мамот масаласи бўлган ана шу имкониятни бой берсак, зиммамизга юклатилган буюк тарихий масъулият ҳиссини йўқотсак, ўз олдимизга қўйган олий мақсадларга етиш учун юртимизда

яшаётган ҳар қайси онгли инсон бор куч – ғайрати, ақл – заковатини бағишлашига эриша олмасак, очик айтиш керак, биз эл – юртимиз олдида, ёш авлодимиз, жондан азиз фарзандларимиз олдида хиёнат қилган бўламиз. Ўз – ўзидан равшанки, бунга йўл қўйишга бизнинг ҳеч қандай ҳаққимиз йўқ.

Бу фикрни барча ватандошларимиз, ёшларимиз онгига чуқур сингдириш аввало биз – раҳбарлар, етакчилар учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб ҳисоблайман.

Бугунги кунда амалга ошираётган ва 2015 йил ҳамда келгуси йиллар учун белгилаб олган ислохотларимизни айтиш шу талаблар асосида янада чуқурлаштириш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини давом эттиришимиз, ҳеч шубҳасиз, давлат бошқаруви таркибини ва иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини янги босқичга кўтаришга, жаҳон миқёсида Ўзбекистонимизнинг муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилади.

(Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг

“Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” номли асаридан) [1]

Юқоридаги фикрларни инобатга олган ҳолда чуқур ва етук билимга эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини янада ривожлантиришга олиб келади. Ҳақиқий мутахассис бўлишни орзу қилган талабалар, янги шароитда ўз орзусига эришиш учун техникавий фанларни амалий ва назарий жиҳатдан чуқур эгаллаган бўлишлари керак. Етук, мустақил ўз фикрига, билимига, таклиф ва мулоҳазаларига эга бўлишлари керак.

Битирув малакавий иш мавзусининг долзарблиги: “Кулачокли муфта ” детални тайёрлаш технологик жараёнини ишлаб чиқиш ва детални тайёрлашда қўлланиладиган мосламани лойихалаш мавзусидаги битирув малакавий иши деталларга механик ишлов бериш жараёнида кенг қўланилиб келинаётган дастгоҳларнинг иш унумдорлигини ва ишлов берилаётган детал аниқлигини оширишдан иборат. Бугунги кунда ишлов берилаётган детал аниқлигини ошириш ва уни таннархини камайтириш муаммолари

долзарблигича қолмоқда. Шунинг учун бу борада илмий ва амалий изланишларни амалга ошириш долзарб ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг мақсади: “Кулачокли муфта” детални тайёрлаш технологик жараёнини ишлаб чиқиш ва детални тайёрлашда қўлланиладиган мосламани лойиҳалаш.

Битирув малакавий ишининг вазифаси: Битирув малакавий ишни бажаришдан мақсад:

- таълим бўйича назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, олинган билимларни муайян илмий, техникавий, ишлаб чиқариш, иқтисодий, ижтимоий, маданий вазифаларни ҳал этишда қўллаш;

- ижодий ишлаш, ҳал этилаётган масаланинг (муаммонинг) қўйилиш жараёнидан

бошлаб, уни тўла ниҳоясига етказиш бўйича қарор қабул қилишда бўлган масъулиятни ҳис этишга ўргатиш;

- замонавий ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, техника ва маданиятнинг ривожланиши шароитида талабаларни мустақил ишлашга тайёргарлигини таъминлашдан иборат.

БМИ ни бажариш натижасида қуйидагиларга эришилади: деталнинг конструкцияси, хизмат вазифаси, деталнинг технологиясозлигини таҳлил қилиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш типини аниқлаш, детал учун тайёрланма танлаш ва асослаш, механик ишлов бериш маршрутини ишлаб чиқиш, технологик операцияларни лойиҳалаш, қуйимларни ҳисоблаш, кесиш режимларини ҳисоблаш, технологик жиҳозларини танлаш, техник меъёрлаш, дастгоҳ мосламасини ишлаб чиқиш ва ҳисоблаш, назорат асбобини лойиҳалаш, махсус кесиш асбобини лойиҳалаш, дастгоҳда ишлаш хавфсизлиги чораларини белгилаш.

Мавзунинг ўрганиш даражасини қийсий таҳлили: : “Кулачокли муфта” детални тайёрлаш технологик жараёнини ишлаб чиқиш ва детални тайёрлашда қўлланиладиган мосламани лойиҳалаш мавзусидаги битирув малакавий иши асосини деталларга механик ишлов бериш технологиясини яратиш борасида

мамлакатимиз ва хориждаги етакчи олимлар томонидан амалга оширилган илмий ҳамда амалий ишлар ташкил этади. Улар асосан деталларга механик ишлов бериш технологияси жараёнида кенг қўлланилиб келинаётган дастгоҳларнинг иш унумдорлиги ва ишлов берилаётган детал аниқлигини оширишни таъминлаб биладиган малакали ишчи кадрлар тайёрлашдан иборат. Бугунги кунда ишлов берилаётган детал аниқлигини ошириш ва ун таннархини камайтириш муаммолари долзарблигича қолмоқда. Шунинг учун бу борада илмий ва амалий изланишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги: битирув малакавий ишини бажариш натижасида қуйидагиларга эришилади:

- деталнинг конструкцияси, хизмат вазифаси, чизманинг техник назорати, деталнинг технологиясозлиги таҳлил қилинади, ишлаб чиқаришни ташкил этиш типи аниқланади, детал учун тайёрланма танланади ва асосланади, механик ишлов бериш маршрути ишлаб чиқилади, технологик операциялар лойиҳаланади, қуйимлар ва кесиш режимлари ҳисобланади;

- технологик жиҳозлар танланади, дастгоҳ мосламалари ишлаб чиқилади ва ҳисобланади, назорат ва махсус кесиш асбоблари лойиҳаланади;

- мавзуга оид махсус фан ўқитувчисининг ўқув – методик мажмуаси яратилади.

Битирув малакавий ишининг предмети ва объекти: : “Кулачокли муфта” деталини тайёрлаш технологик жараёнини ишлаб чиқиш ва детални тайёрлашда қўлланиладиган мосламани лойиҳалаш.

Битирув малакавий ишининг илмий аҳамияти: “Кулачокли муфта” деталини тайёрлаш технологик жараёнини ишлаб чиқиш ва детални тайёрлашда қўлланиладиган мосламани лойиҳалаш мавзусида бажарилган битирув малакавий иши натижалари Бухоро механика таъмирлаш заводи ишлаб чиқаришига тақдим этилади ва жорий этилади.

1. Технологик қисм

1.1. Деталнинг конструкцияси ва хизмат вазифаси

Бизга берилган деталимиз машинасозликда, саноатда, қишлоқ хожалигидаги машина, механизм ва узелларда жуда кўплаб фойдалинади. Деталимиз "кулачокли муфта" деб номланади. Унинг хизмат вазифаси вал ва ўқларга таянч вазифасини ўтайди. Материали Пўлат 20 Х ГОСТ 4543-71, оғирлиги $m=1.67$ кг бўлиб ўрта серияли ишлаб чиқариш шароитида ишлаб чиқилади. "Кулачокли муфта" номли деталимиз машина ва механизмларда, мосламаларда жуда кўплаб фойдаланилади. Машинасозлик дастгоҳлари халқ хўжалиги ва саноатда тутган ўрни катта аҳамиятга эга.

1.2. Чизманинг техник назорати

Деталнинг ишчи чизмаси қўйидаги маълумотларга эга. Берилган чизмада зарур кўриниш ва қисмлар мавжуд. Барча сиртлар учун керакли четга чиқишлар берилган. Деталнинг ишчи чизмасидан четга чиқишлар юзаларнинг жойлашувчи белгилари кўрсатилган.

Деталнинг асосий ишчи юзаларига унинг $\phi 55$ мм, узунлиги $l=70$ мм бўлган, ички цилиндрик юзалари, $\phi 45^{+0,062}$ мм $l=40$ мм бўлган айлана бўйлаб жойлашган, икки томондан фаска $1,5 \times 45^0$, ишлов берилиш аниқлигининг юқори бўлганлиги учун ўртача мураккабликдаги деталлар гуруҳига киради.

Деталимизнинг асосий юзаларига юзаси унинг юза тозаллиги Ра 2.5 мкм, ўлчам аниқлиги бўйича 5 ва 7 кв дадир.

1.3. Деталларнинг технологиясозлиги таҳлили

Конструкциянинг технологик таҳлили унинг техник кўрсаткичларини яхшилашни таъминлайли.

Кўрилаётган деталь “Кулачокли муфта” конструкцияси таҳлилида ечиладиган асосий масалалар, уни мумкин бўлган иш ҳажми ва металл ҳажмини камайтиришга олиб келиши мумкин.

Таҳлил вақтида қуйидагилар аниқланади.

- Детал конфигурацияси оддий, унда мураккаб юзалар йўқ.
- Детал чизмасида қўшимча ўлчамлар олиб борилиши керак бўладиган, юқори аниқликдаги юза ўлчамлари мавжуд.
- Детал юзасини технологик ишлов беришда, ташқи юза ва марказий тешикни олиш мумкин.
- Детал юзалари ишлов беришга қулай ва уларга олдиндан ишлов бериш мумкин
- Барча ишлов берилаётган юзаларга кесувчи асбоблар учун йўл очик.
- Конструкцияси жиҳатдан деталнинг қаттиқлиги уни ҳар хил турдаги кесиш ишларини олиб боришга имкон беради
- Детал тайёрланма олиш, штамплаш ва прокатлаш учун жуда қулай
- Умуман олганда “Кулачокли муфта” конструкциясига ишлов бериш жуда оддий ва қулай. [5]

Ишлаб чиқариш учун заготовка танлашда ишлаб чиқариш серияси ва унга боғлиқ равишда заготовка аниқлик даражасини ҳисобга олиш зарур, чунки қуйиш цехларида заготовка аниқлик даражасида боғлиқ равишда механизация ишлари бажарилади ва бу сарф аниқликка боғлиқ ҳолда метал тежамкорлиги билан қопланади.

Деталимиз материяли ўрнига , Пўлат 15Х, Пўлат 20ХН, Пўлат12ХН2, Пўлат 18ХГТ ишлатиш мумкин. Детални заготовкасини олишда иссиқлайин штамплаш орқали ГОСТ 4543-71 га оддий аниқликда асосан оламиз. Пўлат 20 нинг кимёвий таркиби (ДАСТ 1050-88), 2.1-жадвал

Пўлат маркаси	Cr	Si	Cu	M _H
Пўлат 20	0.70÷1.0	0.17÷0.37	0.30	0.50- 0.80

Пўлат -20 нинг механик хоссалари

2,2-жадвал

Пўлат маркаси	Механик хоссалари					
	t синалганда C ⁰	σ 0,2 МПа	δ _C , %	Ψ, %	σ _B МПа	
Пўлат- 20ХН	700	120	48	89	150	

1.4. Ишлаб чиқариш ташкил этиш типини аниқлаш.

Бу бўлимда берилган йиллик ишлаб чиқариш дастури асосида цех, участка ёки бўлимдаги ишлаб чиқариш типи аниқланади.

Машинасозликда ишлаб чиқариш типининг уч туримавжуд.

Буларга: оммавий, сериялаб ва якка тартибдаги ишлаб чиқаришлар киради.

Оммавий ишлаб чиқариш ҳар бир иш жойидаги жараёнларда фақат биргина операциясини бажарилиши билан фарқланади.

Серияли ишлаб чиқаришда вақт вақти билан маҳсулот серияларда ишлаб чиқарилиши билан фарқланадилар. Бунда ҳар бир иш жойида ҳар хил операциялар такрорланиши мумкин.

Якка тартибда ишлаб чиқариш турига, бир иш жойида кенг қўламдаги номенклатурали деталлар ишлаб чиқарилади. У деталлар сони кам бўлиб, кейинчалик такрорланиши ёки умуман тайёрланмаслиги ҳам мумкин. [17]

Ишлаб чиқариш турини аниқлашни белгилаш учун икки фактордан келиб чиққан ҳолдаги усулдан фойдаланамиз; берилган детални таёрлаш программасидан ва детальни ишлаб чиқариш меҳнат унумдорлигига кўра танланади.

Берилган ишлаб чиқариш программасига асосан ишлаб чиқариш такти аниқланади (T_{σ}), меҳнат унумдорлиги бўйча эса замонавий ишлаб

чиқаришдаги технологик операцияларга суянган ҳолда деталнинг ясалишига кетадиган ўртача дона вақти T_d – ни топиш орқали амалга оширилади.

Топилган бу қийматларнинг нисбатига сериялаш коэффиценти дейилади.

$$K_c = \frac{t_b}{T_d}$$

$$T_d = \frac{F_g \cdot 60}{N} \text{ мин/дона}$$

Бунда F_g – бир йилдаги жиҳозларнинг иш вақти фонди; N – детал ишлаб чиқариш программаси, T_d - дона вақт бир сменали иш ташкил қилишини инобатга олган ҳолда.

$F_g = 2070$ с/см бўлади лекин ҳақиқий вақт фонди 1860 с/см, бунда иш кунлари сони 15 кун бўлади. N – бир сменадаги ишлаб чиқариш йиллик праграммаси 50.000 дона

$$T_d = \frac{1860 \cdot 60}{50000} = 2,2 \text{ мин}$$

Дона вақтини аниқлашда замонавий технологик операцияларга сарфланадиган, яхлитлаштирилган, ҳолдаги нормировкалардан фойдаланиб ҳисоблаймиз.

$$T_d = \frac{\varphi T_0}{n}$$

Бунда φ – дастгоҳ тури ва ишлаб чиқаришдан келиб чиқадиган коэффицент.

$$T_0 = \varepsilon T_{i0} - \text{асосий технологик вақт}$$

йўниш учун бошидан охиригача токарлик ишлов беришнинг технологик вақтини аниқлаш. l – деталнинг узунлиги

Операция №	Операция номи ва ўтишлар мазмуни	Кескич	Мослама	Дастгоҳ номи ва тури
005	Токарлик операцияси			
1	Ø70 Н7 мм торец кесиб тушурилсин.	T15K6	3 ли кулачокли патрон	16K20 русумли токарлик дастгоҳи
2	Ø70 Н7 мм L=42 мм тоза йўнилиб ўтилади.	T15K6	3 ли кулачокли	16K20 русумли

			патрон	токарлик дастгохи
3	Ø40 H7 мм L=70 мм ли ички юза тоза ишлов берилади.	T15K6	3 ли кулачокли патрон	16K20 русумли токарлик дастгохи
	Ø70 H7 мм L=70 мм юза ичида L=10x45 ⁰ мм ли қиялик берилади.			
010	Токарлик операцияси			
	Токарлик операцияси (тескари) Ø70H7 мм ли торец кесиб тушурилади.	T15K6	3 ли кулачокли патрон	16K20 русумли токарлик дастгохи
	Ø70 H7 мм L=28 мм юза тоза йўниб ўтилади.	T15K6	3 ли кулачокли патрон	16K20 русумли токарлик дастгохи
	Ø70 H7 мм L=70 мм юза ичидадан l= 11,5мм дан кейин чуқурлиги h= 7,5 мм L= 16H9 ммли юза ҳосил қилинади.	T15K6	3 ли кулачокли патрон	16K20 русумли токарлик дастгохи
	Ҳосил қилинган юза ичида L= 5мм, h=0,5 мм қияликли R=1,5; R=0,5, 45 ⁰ ли ўлчамли 2 та ариқчалар ўйиб олинади.			
	Сидириш операцияси			
	Ички диаметри Ø40 H10 мм юза ичида чуқурлиги b=3 мм узунлиги , h=70мм ли шпонка жойи сидириб очилсин.			
	Фрезалаш операцияси			
	Ø70 H7 мм ли детал ичидан эни b=8 мм L=35 n=13,5 ммли оралик масофа кесиб очилсин.			
	Ҳосил қилинган оралик масофанинг икки ён томонидан чуқурлиги h=14 мм кенглиги b=19,5 мм, L= 27мм бўлган бўлақлар кесиб олинсин.			
	Пармалаш операцияси			
	Детал ён томони кесиб очилган қусок шакли қисми марказларидан Ø 5,5H7 h=31ммли тешик ўйилади			

	Фрезалаш оператцияси			
	Детал ичидан қиялиги 28° оралиқ масофаси 72° бўлган 5 та муштчалар ҳосил қилинсин.			

Токарлик оператцияси учун вақт ҳисоби

$$T_0 = 0,000052(D^2 - d^2) = 0,052 \times (74^2 - 70^2) \times 0,000052 = 0,002$$

$$T_{01} = 0,00017 \cdot d \cdot l \cdot \dot{l} = 0,0017 \cdot 70 \cdot 42 = 0,5 \text{ мин}$$

$$T_{02} = 0,00018 \cdot d \cdot l \cdot \dot{l} = 0,00018 \cdot 40 \cdot 70 = 0,504 \text{ мин}$$

$$T_{03} =$$

Токарлик оператцияси учун вақт ҳисоби

$$T_0 = D^2 \cdot 0,00019 = 0,04 \text{ мин}$$

$$T_{01} = 0,00017 \cdot d \cdot l \cdot \dot{l} = 0,0017 \cdot 70 \cdot 28 = 0,3332 \text{ мин}$$

$$T_{02} = 0,0001 \cdot l \cdot \dot{l} = 0,0001 \cdot 16 = 0,0016 \text{ мин}$$

Сидириш оператцияси

$$T_0 = 0,000065 \cdot v \cdot l \cdot \dot{l} = 0,000065 \cdot 3 = 0,000195 \text{ мин}$$

Фрезалаш оператцияси

$$T_0 = 4 \cdot l \cdot \dot{l} \cdot 0,004 = 4 \cdot 35 \cdot 0,004 = 0,56 \text{ мин}$$

Пармалаш оператцияси учун

$$T_0 = 0,00031 \cdot d \cdot l \cdot \dot{l} = 0,0031 \cdot 5,5 = 0,002 \text{ мин}$$

Фрезалаш оператцияси.

$$T_0 = 4 \cdot l \cdot \dot{l} \cdot 0,004 = 4 \cdot 11 \cdot 0,004 = 0,176 \text{ мин}$$

Токарлик оператцияси учун жами вақт сарфи

Операциялар бўйича аниқласак:

$$T_{\text{ит}} = \frac{T_{\text{оп}}}{n} = \frac{3,21}{2} = 0,8 \text{ мин}$$

Бунда n – жами операциялар сони. Шундай қилиб сериялаш коэффициентини.

$$K_c = \frac{t_b}{T_o} = \frac{2,2}{3,21133} = 0,69$$

Демак $K_c = 0,69 < 1$ бўлган туфайли ишлаб чиқаришни оммавий серияга деб ҳисоблашга тўғри келади. [17]

1.5. Детал учун тайёрланма танлаш ва саралаш.

Бу қисмда детал тайёрланмасини олишни, самарадорлик нуқтаи назаридан камида 2 та усули кўриб чиқилади ва бўлган ҳисоб-китоблар бажарилиб энг кам ҳаракат талаб қилинадиган усул танлаб олинади. Тайёрланма олиш усулини танлашда детал вазифаси ва конструкцияси, унинг материали, техник шартлари, ишлаб чиқариш тури, ҳамда тайёрланмани ҳосил қилишнинг иқтисодий кўрсаткичлардан келиб чиққан хулосаларга қаралади. Тайёрланмани танлаш деганда уни олиш усулини белгилаш, ишлов бериладиган юзалар га кучлар белгилаш, ўлчамларни қайта ҳисоблаш ва улардаги чекланмаларни ҳисоблашларни тушунилади. Тайёрланмани рационал усулда олишни белгилашда юқорида келтирилган барча бошланғич маълумотлардан фойдаланиш лозим, чунки улар орасида мутаносиб боғланиш мавжуд. Усулни танлашни асосий кўрсаткичи муҳим ўрин тутади [7]

Кўпинча бир- биридан фарқ қиладиган тайёрланмани олишнинг икки усулини кўриб чиқилади;

1 – вариантда - штамплаш

2-вариантда – прокатлаш.

Маълумотларни солиштириш учун уларни системалаштириб, битта жадвал ҳолига олиб келадиган бўлсак ушбу ҳолат қуйидаги кўринишга эга бўлади.

Кўрсаткичлар номлари	Вариантлар	
	И	ИИ
Тайёрланма тури аниқлик	Штамплаш	Прокатлаш

классификация мураккаблик гурухи	2	-
Тайёрланма масса Q - кг	1	-
	2, 1	2,1
База қилиб қабул қилинган 1 тонна тайёрланманинг тан нархи C, сўмда	6000000	5000000
1 тонна қириндининг нархи сўмда, 1 тонна қириндининг нархи сўмда	300000	300000

Тайёрланмаларнинг нарhini ҳисоблаб солиштирамиз.

И вариантдаги тайёрланма

$$C_{\text{кор}} = \left(\frac{C_i}{1000} Q \cdot K_T \cdot K_C \cdot K_B \cdot K_M \cdot K_P \right) - (K - k) C_{\text{кпр}} / 1000$$

$C_{\text{кпр}}$ - қиринди 1 тоннаси нархи = 160000 сўм

$C_{\text{и}}$ = бази нархи – 5000000 сўм

K_T, K_C, K_B, K_M, K_P - лар аниқликни, мураккабликни, массасини, материал маркасини, ишлаб чиқариш турларни ҳисобга олувчи коэффициентлардир.

K – детал тайёрланмасини оғирлиги;

k – детал оғирлиги

K_k – да аниқлик синфидан келиб чиқган ҳолда

$K_T = 1$

Материалдан келиб чиқган ҳолда

$K_M = 1$

$K_C = 0,9 \quad K_B = 1,18 \quad K_P = 0,92$

$K = \gamma \cdot V$

$\gamma = 7,78 \text{ кг/см}^3$

$$V = V_1 + V_2 - V_3 = \frac{\pi}{4} (d^2 \cdot l_1 + d^2 \cdot l_2 - (d_3^2 \cdot l_3)) = \frac{3,14}{4} (7,5^2 \cdot 0,5 + 6,5^2 \cdot 6,1) =$$

$K = 7,78 \cdot V = 1045 \text{ гр} = 1,04 \text{ кг}$

$$S_{xomash} = \left(\frac{C_i}{1000} \cdot Q \cdot K_T \cdot K_C \cdot K_B \cdot K_M \cdot K_n \right) - (Q - q) \frac{S_{чик}}{1000} =$$

$$= \left(\frac{5000000}{1000} \cdot 1,04 \cdot 1 \cdot 0,9 \cdot 1,8 \cdot 0,92 \right) - (1,04 - 1,1) \frac{300000}{1000} = 35278 \text{ со`м}$$

2-вариант

$$S_{xomash} = \frac{C_i Q}{1000} - (Q - q) \frac{S_{чик}}{1000} \text{ со`м;}$$

Бу ерда $K_T - 1,04$ кг

$C_{и} - 5000000$

$q - 1,1$ кг1

$C_{чик} - 300000$ со`м га тенг

Танланган барча қийматлардан фойдаланиб махсулотни таннархини топиб оламиз,

$$S_{xomash} = \frac{C_i Q}{1000} - (Q - q) \frac{S_{чик}}{1000}$$

$$K_T = \gamma \cdot V$$

$$V_{уп} = \frac{\pi \cdot d^2 \cdot l}{4} = \frac{3,14 \cdot 18,5^2 \cdot 6}{4} = 1612 m^3$$

$$K_T = 7,6 \cdot 1612 \approx 1,1 \text{ кг}$$

$$S_{xomash} = \frac{C_i Q}{1000} - (Q - q) \frac{S_{чик}}{1000} = \frac{12 \cdot 5000000}{1000} - (12 - 4,9) \frac{160000}{1000} = 58864$$

$$C_{хом} = 58864 \text{ сўм.}$$

Аниқланган қийматларга асосан икки усул бўйича олинган таннархлар натижаларини солиштириб арзон булган вариант бўйича хомашини танлаб оламиз.

$$1 - \text{усул бўйича} \quad C_{хом} = 35278 \text{ со`м.}$$

$$2 - \text{усул бўйича} \quad C_{хом} = 58864 \text{ со`м.}$$

Фарқи 23586 сум

Демак 1 – усул бўйич хомашийё тан нархи 23586 сўмга арзонлиги аниқланди.

C=(сум

2-вариант

1.6. Механик ишлов бериш маршрутини ишлаб чиқиш.

Технологик операцияларни кетмакетлиги ишлов бериш маршрутини келтириб чиқаради. Демак авваламбор операцияларни белгилаб олайлик. Маълумки биринчи операцияларда ундан кейинги бажарадиган операцияларни бажаришда база бўлиб хизмат қиладиган юзага ишлов берилишини белгилаш билан асосланиши кўрилади.

Операция №	Операция номи ва ўтишлар мазмуни	Кескич	Мослама	Дастгоҳ номи ва тури
005	Токарлик операцияси			
1	ён юза Ø75 мм L=5 мм тоза йўнилсин	T15K6	3 ли кулачокли патрон	16K20 русумли токарлик дастгоҳи
2	юза Ø65 ^{+0,089} мм L=61 мм га йўнилсин	T15K6	3 ли кулачокли патрон	16K20 русумли токарлик дастгоҳи
3	юза Ø65 ^{+0,089} ва Ø45 ^{+0,062} юзага 1,5x45 фаска очилсин	T15K6	3 ли кулачокли патрон	16K20 русумли токарлик дастгоҳи
010	Токарлик операцияси			
	ён юза Ø75 мм йўнилсин	T15K6	3 ли кулачокли патрон	16K20 русумли токарлик дастгоҳи
	Ички юза Ø45 ^{+0,062} мм L=66 мм га тоза йўнилсин	T15K6	3 ли кулачокли патрон	16K20 русумли токарлик дастгоҳи
	юза Ø45 ^{+0,062} ва Ø45 ^{+0,062} юзага 1,5x45 фаска очилсин	T15K6	3 ли кулачокли патрон	16K20 русумли токарлик дастгоҳи

1.7. Технологик операцияларни лойиҳалаш.

Операция №	Операция номи ва ўтишлар мазмуни	Кескич	Мослама	Дастгоҳ номи ва тури
005	Токарлик операцияси			
1	ён юза Ø75 мм L=5 мм тоза йўнилсин	T15K6	3 ли кулачокли патрон	16K20 русумли токарлик дастгоҳи
2	юза Ø65 ^{+0,089} мм L=61 мм га йўнилсин	T15K6	3 ли кулачокли патрон	16K20 русумли токарлик дастгоҳи
3	юза Ø65 ^{+0,089} ва Ø45 ^{+0,062} юзага 1,5x45 фаска очилсин	T15K6	3 ли кулачокли патрон	16K20 русумли токарлик дастгоҳи
010	Токарлик операцияси			
	ён юза Ø75 мм йўнилсин	T15K6	3 ли кулачокли патрон	16K20 русумли токарлик дастгоҳи
	Ички юза Ø45 ^{+0,062} мм L=66 мм га тоза йўнилсин	T15K6	3 ли кулачокли патрон	16K20 русумли токарлик дастгоҳи
	юза Ø45 ^{+0,062} ва Ø45 ^{+0,062} юзага 1,5x45 фаска очилсин	T15K6	3 ли кулачокли патрон	16K20 русумли токарлик дастгоҳи

1.8. Қуйимларни ҳисоблаш

Деталнинг торец юзаси учун қуйимлар ҳисобланади

Торец юзани тозалиги 3 синф бўйича белгиланган, шунинг учун бу юза бир марта торец йўнилади. Бунинг учун торец кескич танланади, диаметри Ø75 мм бўлган ён томонлар йўнилади.

Минимал қуйим қуйидагича аниқланади

$$2z_{\text{мин}} = 2(P_{z(i-1)} + T_{i-1} + \rho_{i-1} + \epsilon_i)$$

Бу ерда

$R_{\text{и-1}}$; $T_{\text{и-1}}$; $\rho_{\text{и-1}}$;-мос равишда олдинги яъни и+1 операцияда ҳосил бўлган сирт ғадир-будирлиги тоқ сонли қатлам қалинлиги ва фазовий хатоликлар, мкм.

$\epsilon_{\text{и}}$ —жорий операцияда, яъни и- операцияда ҳосил бўладиган хатолик, мкм
тайёрланма штампланган, бунинг учун

$$R_{\text{з}}=150\text{мкм}$$

$$T=250\text{мкм}$$

$$\rho_y = \sqrt{\frac{\vartheta^2}{2} + 0.25^2}$$

бу ерда; δ базалаштирувчи юза ўлчамининг допуски

$$\delta = 0,62 \text{ мм}$$

Ўрнига қўйиб топамиз

$$\rho = \sqrt{\frac{0.62^2}{2} + 0.25^2} = 0.5 \text{ мм}$$

Базалаштириш хатолиги “ $\epsilon_{\text{и}}$ ” берилган ҳолда нолга тенг

Бу берилганларни формулага қўйиб минимал қуйимни топамиз.

$$2z_{\text{мин}} = 2(150+250+500) = 1800 \text{ мкм}$$

Хисобланган ўлчамлар топилади

Оператсия учун ҳисобланган ўлчаш деталнинг ишчи чизмасидан олинади.

$$L_{\text{хис}} = 1180^{0.2} \text{ мм}$$

Тайёрланма учун

$$L_{\text{хис}} = L_{\text{хис} \cdot \text{з}} + 2z_{\text{мин}} = 1180.2 + 1,8 = 1182 \text{ мм}$$

Бу ўлчам детал узунлигининг минимал қиймати ҳамдир максимал қийматини топиш учун унга допуск қўйилади.

$$L_{\text{мах}} = L_{\text{мин}} + \delta = 1182 + 1,5 = 1183,5 \text{ мм}$$

Деталнинг максимал узунлиги

$$L_{\text{махзг}} = L_{\text{мин}} + \delta = 1180,2 + 0,8 = 1181 \text{ мм}$$

Минимал ва максимал қуйимлар ҳисобланади

$$\Delta_{\text{мах}} = L_{\text{мах}} - L_{\text{махг}} = 1183,5 - 1181 = 2,5 \text{ мм}$$

Элементар юзалар	$R_{\text{з}}$ мкм	T мкм	n мкм	$2z_{\text{мин}}$ мкм	$L_{\text{хис}}$ мм	δ мкм	$L_{\text{мах}}$ мм	$L_{\text{мин}}$ мм	$\Delta_{\text{мах}}$ мкм	$\Delta_{\text{мин}}$ мкм
------------------	-----------------------	----------	----------	--------------------------	------------------------	--------------	------------------------	------------------------	------------------------------	------------------------------

1180 ^{0,2}										
Тайёрланма	150	250			1182	1500	1183,5	1182		
токарлик	100	100	500	1800	1180,2	800	1181	1180,2	2500	1800

Деталнинг цилиндрик юзаси учун қуйимлар ҳисобланади.

Ø75 юза учун олиб борилади.

Бу юза учун қуйидаги маршрут таклиф қилинади.

1. Тайёрланма – штампланган
2. Токарлик

Хомаки йўниш

Тоза йўниш

Қуйимнинг минимал миқдори юза учун қуйидаги формула билан аниқланади.

$$2Z_{\min} = Pz_{i-1} + T_{i-1} + \sqrt{\rho_{i-1}^2 + \epsilon_i^2}$$

Штамплаш учун

$$P_3 = 150 \text{ мкм}$$

$$T = 250 \text{ мкм}$$

$$P_{\text{кор}} = \Delta_k \cdot D = 0,004 \cdot 50 = 0,2$$

хомаки йўниш учун

$$P_3 = 50 \text{ мкм}$$

$$T = 50 \text{ мкм}$$

$$P_x = 0,06 \cdot 200 = 12 \text{ мкм}$$

Тоза йўниш учун

$$P_3 = 30 \text{ мкм}$$

$$T = 30 \text{ мкм}$$

$$P_{\text{тоз}} = 0,04 \cdot 200 = 8 \text{ мкм}$$

Жилвирлаш

$$P_3 = 15 \text{ мкм}$$

$$T = 15 \text{ мкм}$$

$$P_{\text{ж}} = 0,03 \cdot 200 = 6 \text{ мкм}$$

Асосий тенгламани қўллаб қуйимнинг минемал миқдорини ҳисоблаймиз.

$$2Z_{1\text{мин}} = 2 \cdot (150 + 250 + 200) = 2 \cdot 600 \text{ мкм}$$

$$2Z_{1\text{мин}} = 2 \cdot (50 + 50 + 12) = 2 \cdot 112 \text{ мкм}$$

$$2Z_{1\text{мин}} = 2 \cdot (30 + 30 + 8) = 2 \cdot 68 \text{ мкм}$$

$$2Z_{1\text{мин}} = 2 \cdot (15 + 15 + 6) = 2 \cdot 36 \text{ мкм}$$

Оператция учун ҳисобланган ўлчам деталнинг ишчи чизмасидан олинади

Ø75 p9

$$e_c = 88 \text{ мкм}$$

$$e_i = 26 \text{ мкм}$$

$$d_{\text{мах}} = d + e_c = 75 + 0,088 = 75,088 \text{ мм}$$

$$d_{\text{мах}} = d + e_i = 75 + 0,026 = 75,026 \text{ мм}$$

“ҳисобий ўлчам” d_1 графасини тўлдириш охириги натижага ҳар ўтишдаги қуйимни қуйиш орқали олиб борамиз

$$d_{\text{ПЗ}} = 75,026 + 0,136 = 75,162 \text{ мм}$$

$$d_{\text{П2}} = 75,126 + 0,224 = 75,386 \text{ мм}$$

$$d_{\text{П1}} = 75,386 + 1,2 = 76,586 \text{ мм}$$

Ø75п9 Юза учун технологик ўтишлар	Қуйим элементлар (мкм)				2э-мин хисо- бий қуйим мкм	Хисо- бий ўлчам ДПмм	Чек- лама мкм	Чегара ўлчам мм		Қуйим чегараси мкм	
	Рэ	Т	ρ	ε				Дмин	Дмах	2эмин	2эмах
Тайёрланма	15	150	200		2·600	76,586	2000	76,586	78,586		
	0										
Токарлик											
Хомаки йўниш	50	50	12		2·112	75,386	400	75,386	75,786	1200	2800
Тоза йўниш	30	30	8		2·68	75,162	120	75,162	75,282	224	504
Жилвирлаш	15	15	6			75,026	62	75,026	75,088	136	194

1.9 Кесиш режимларини ҳисоблаш.

Кесиш режимларини ташқи юза хомаки сўнишда ҳисоблаймиз. Кесиш чуқурлиги хомаки йўнишда максимал қийматга ега бўлади. У фақат кескичларнинг мустаҳкамлигига ва дастгоҳнинг қуввати билан чекланади деб қабул қиламиз. $t = 3$ мм, у ҳолда суриш жадвал [2] дан олинади. $S = 0,8$ айл/мин, деталнинг матреиали *Ст3*, кескич материали *T15 K6*. У ҳолда кесиш тезлиги формула билан топилади:

$$v = \frac{C_v}{T^m \cdot t^x S^y} \cdot k_v$$

Бу ерда

C_v - детал ва кесувчи асбобнинг доимийлиги;

T^m - кескичнинг турғунлиги. Минимал кескичнинг турғунлиги бир асбобли дастгоҳлар учун 60 минут деб қабул қилинади.

$$K_v = K_n \cdot K_x$$

Мос равишда детал материали, тайёрланманинг материали ва кесувчи асбобни материалига боғлиқ бўлган коэффициентлар.

$$K_m = K_{\bar{a}} \left(\frac{750}{l_B} \right)^{nv} = 1 \cdot \left(\frac{750}{500} \right)^{\frac{7}{4}} = \left(\frac{3}{2} \right)^{\frac{7}{4}} = \sqrt[4]{\frac{2187}{128}} = 2,3$$

$K_{\bar{a}}$ - пўлатнинг ишлов бериш даражасини ҳисобга олувчи коэффициент;

$K_{\bar{a}} = 1$ Ўртача углеродли пўлатлар учун;

$$K_B = (450 - 550) \text{ Мпа}$$

$$nv = 1,75$$

$$K_{\bar{a}} = 0,9 \text{ жадвал 3[2]}$$

$$K_{\bar{a}} = 1 \text{ жадвал 3[2]}$$

Формулага қўйиб коэффициентни топамиз;

$$K_v = K_n \cdot K_x = 0,9 \cdot 2,03 = 0,82$$

Кесиш тезлиги;

$$v = \frac{C_v}{T^m \cdot t^x S^y} \cdot k_v = \frac{540}{60^{0,2} \cdot 3^{0,15} \cdot 0,8^{0,45}} \cdot 1,82 = 258,37$$

Шпинделнинг айланишлар сони;

$$n = \frac{v \cdot 1000}{\pi \cdot D_{май}} = \frac{258,37 \cdot 1000}{3,14 \cdot 180} = 457,2 \left[\frac{\text{айл}}{\text{мин.}} \right]$$

Айланишлар сонини 500 айл/мин деб қабул қиламиз ва тезликни топамиз;

$$457 \frac{v \cdot 1000}{\pi \cdot D_{май}} = v = \frac{457 \cdot 3,14 \cdot 180}{1000} = 258 \left[\frac{\text{мм}}{\text{мин.}} \right]$$

Кесиш кучи;

д Бунда: n — шпинделнинг минутига айланишлар сони, *айл/мин*.

D —йўниладган тайёрланманинг диаметри, *мм*.

Агар асосий ҳаракат илгариланма-қайтар ҳаракат бўлса, унинг кесиш тезлиги қуйидаги формула билан топилади:

$$P_z = 10 \cdot C_p \cdot m^X \cdot c^p \cdot v^n \cdot K_m, \text{ кГ},$$

C_p - миқдорини 22 жадвал [2] дан олинади.

$$X=1$$

$$Y=0,75$$

$$n=0,15$$

$$K_m = K_a \left(\frac{500}{750} \right)^{nv} = 1 \cdot \left(\frac{750}{500} \right)^{\frac{3}{4}} = \left(\frac{3}{2} \right)^{\frac{3}{4}} = \sqrt[4]{\frac{8}{27}} = 0,73$$

$$K_\Psi = 1,08$$

$$K_{op} = 1$$

$$K_{3p} = 1$$

$$K_{ГР} = 0,87$$

$$K_p = 0,73 \cdot 1,08 \cdot 1 \cdot 1 \cdot 0,87 = 0,68$$

Берилганларни формулага қўямиз;

$$P_z = 10 \cdot C_p \cdot t^x \cdot S^p \cdot V^n \cdot K^m;$$

